



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 02 | pp. 197-209 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### КЎЧМАС МУЛКНИ КАДАСТР БАҲОЛАШ ТУЗИЛМАСИ

Тўлаков Улуғбек Тошмаматович



Термиз давлат университети,

Молия кафедраси доценти,

иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ORCID: 0000-0003-3151-1930

[tulakov77@mail.ru](mailto:tulakov77@mail.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада кўчмас мулкни кадастр баҳолаш жараёнининг вақтиналиқ (фазалар, босқичлар ва этаплар) ҳамда мантиқий тузилмаси чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф кадастр баҳолаш жараёнида иштирок этувчи турли субъектлар (давлат идоралари, баҳоловчилар, судлар, солиқ тўловчилар) ўртасидаги мураккаб институционал муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий асосларига эътибор қаратган. Шу билан бирга, «оммавий баҳолаш», «ишларни кузатиб бориш», «кадастр қиймати бўйича низолашиш» ҳамда «кадастр маълумотларини киритиши» каби асосий босқичларининг вазифалари, улар ўртасидаги узвий боғланишлар изчил ёритилган. Мақолада кадастр қийматининг шаклланиши ва бошқа давлат органлари билан интеграция жараёнларини рақамлаштирилган ахборот тизимлари орқали самарали ташкил этиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Шу орқали кўчмас мулк бозорининг шаффоғлиги, назароратчилиги ва солиққа тортиш жараёнларининг тўғри механизми таъминланиши мумкинлиги таъкидланади.

**Калит сўзлар:** кўчмас мулк, кадастр баҳолаш, кадастр қиймати, оммавий баҳолаш, кадастр агентлиги, кадастр маълумотлари, солиққа тортиш.

### STRUCTURE OF CADASTRAL VALUATION OF REAL ESTATE

Ulugbek Tulakov

Termez State University,

Associate Professor of the Finance Department,

Doctor of Philosophy (PhD) in Economics

ORCID: 0000-0003-3151-1930

[tulakov77@mail.ru](mailto:tulakov77@mail.ru)

**Abstract.** This article provides an in-depth analysis of the temporary (phases, stages, and steps) and logical structure of the cadastral valuation process of real estate. The author focuses on the complex institutional relationships and legal foundations among various entities involved in cadastral valuation, including government agencies, appraisers, courts, and taxpayers. Additionally, the roles of key stages such as "mass appraisal," "monitoring processes," "dispute resolution regarding cadastral value," and "entry of cadastral data" are systematically examined, along with their interconnections.

The article proposes recommendations for effectively organizing the formation of cadastral value and its integration with other state agencies through digital information systems. This approach is emphasized as a means to ensure transparency in the real estate market, regulatory oversight, and the proper mechanism for taxation.

**Keywords:** real estate, cadastral valuation, cadastral value, mass appraisal, cadastral agency, cadastral data, taxation.

## СТРУКТУРА КАДАСТРОВОЙ ОЦЕНКИ НЕДВИЖИМОСТИ

Тулаков Улугбек Тошмаматович

Терmezский государственный университет,  
доцент кафедры финансов,  
доктор философии (PhD) в области экономики

ORCID: 0000-0003-3151-1930

[tulakov77@mail.ru](mailto:tulakov77@mail.ru)

**Аннотация.** В данной статье представлен глубокий анализ временной (фазы, этапы и стадии) и логической структуры процесса кадастровой оценки недвижимости. Автор акцентирует внимание на сложных институциональных взаимоотношениях и правовых основах между различными субъектами, участвующими в кадастровой оценке, включая государственные органы, оценщиков, суды и налогоплательщиков. Кроме того, последовательно раскрыты задачи ключевых этапов, таких как «массовая оценка», «мониторинг процессов», «оспаривание кадастровой стоимости» и «внесение кадастровых данных», а также их взаимосвязи. В статье предлагаются рекомендации по эффективной организации формирования кадастровой стоимости и её интеграции с другими государственными органами через цифровые информационные системы. Подчёркивается, что данный подход способствует обеспечению прозрачности рынка недвижимости, эффективному государственному контролю и правильному механизму налогообложения.

**Ключевые слова:** недвижимость, кадастровая оценка, кадастровая стоимость, массовая оценка, кадастровое агентство, кадастровые данные, налогообложение.

**Кириш.** Кўчмас мулк обьектларини баҳолашда кадастр қиймати жуда муҳим иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич асосида, аввало, солиқقا тортиш ва бошқа молиявий-хуқуқий муносабатлар шаклланади. Шу боис кадастр баҳолаш жараёнида хато ёки ноаниқликлар юзага келиши – мол-мулк эгалари, жойлардан фойдаланувчилар, солиқ органлари ва бошқа манфаатдор субъектлар ўртасида турли низолар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўчмас мулк кадастрини юритиша доимий равишда маълумотлар базасини янгилаш бориши, кўп жиҳатдан, мамлакатда ер ва бошқа кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатларнинг шаффоғлигини, бозор қийматларининг адолатли шакланишини ҳамда солиқقا тортиш амалиётида барқарорликни таъминлашга хизмат қиласди. Шу боис, кадастр баҳолаш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан пухта асослаш, унда қатнашувчи барча субъектларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, шунингдек, баҳолаш методлари ва ахборот технологияларидан

оқилона фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади.

**Адабиётлар таҳлили.** Кўчмас мулкни кадастр баҳолаш соҳаси турли олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг илмий ишлари ушбу жараённинг назарий ва амалий асосларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Тадқиқотлар шуни қўрсатадики, кадастр баҳолашни самарали ташкил этиш учун институционал ёндашувлар, иқтисодий моделлар, автоматлаштирилган баҳолаш методлари ва хуқуқий базалардан фойдаланиш зарур.

Д.Норт ва Р.Барро асарларида институционал ёндашувлар кадастр баҳолаш жараёнида давлат институтлари ва қонунчилик асослари муҳим эканлигини қўрсатади [1; 2].

Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш йўналишида А.Эккерт ва Г. Понгс каби олимлар оммавий баҳолаш моделлари автоматлаштирилган баҳолаш тизимлари кадастр қийматининг аниқлиги ва тезкорлигини оширишини тасдиқлайди [3; 4].

М.Янг ва Р.Эллиот каби олимлар кадастр баҳолаш жараёнида юридик низолар ва кадастр қийматини қайта кўриб чиқиш механизmlарини ўрганганд. Уларнинг тадқиқотлари кадастр баҳолаш жараёнида судгача ва суд орқали низоларни ҳал этиш тартибини такомиллаштириш заруригини қўрсатади [7; 8].

Д.Барнс ва П.Уилсон ўз тадқиқотларида рақамлаштириш ва ахборот технологиялари кадастр баҳолаш тизимини инновацион технологиялар билан интеграция қилиш орқали самарадорликни ошириш мумкинлигини қўрсатади [9; 10].

Шу билан бирга, У.Тўлаков ўзининг кадастр баҳолаш тизими бўйича тадқиқотларида Ўзбекистондаги кадастр баҳолаш жараёнининг институционал механизmlарини таҳлил қилган. Муаллифнинг илмий хulosаларига кўра, кадастр баҳолаш жараёнини самарали ташкил этиш учун давлат назоратини кучайтириш, автоматлаштирилган баҳолаш моделларини жорий қилиш ва кадастр баҳолаш қонунчилигини такомиллаштириш талаб этилади [12; 13; 14].

**Тадқиқот методологияси.** Кўчмас мулкни кадастр баҳолаш тизими илмий жиҳатдан ўрганишда бир неча методологик ёндашувлар қўлланди. Ушбу методлар мажмуи, яъни солиштирма-таҳлилий, институционал, иқтисодий-математик, хуқуқий ва амалий кузатув тадқиқотлари ёрдамида мавзуни ҳар томонлама ва комплекс ўрганиш, муҳокама қилинган моделларнинг ҳаётийлигини баҳолаш, шунингдек, илгари сурилган хulosалар ва таклифларни асослаш имконияти таъминланди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Фаолият жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан кадастр баҳолаш ташкилий маданиятнинг замонавий лойиҳавий-технологик турига киради. Унда фаолиятнинг тугалланган цикллари, уларнинг фазалари, босқичлари ва этаплари ажратилади.

Кўчмас мулкнинг вақтинчалик таркибини аниқлаш учун кўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг фазалари, босқичлари ва этапларини ажратамиз.

Кадастр қийматини даврий равишда янгилаш зарурати кўчмас мулк бозоридаги вазиятнинг ўзгариши, янги кўчмас мулк обьектларининг пайдо бўлиши, уларнинг тавсифларининг ўзгариши, маъмурий-худудий тузилмаларнинг худудий чегараларини қайта белгилаш билан боғлиқ. Кадастр қиймати маълум бир санада

белгиланади, кадастр баҳоси даврий равишда, беш йилда камида бир марта, кўпи билан 3 йилда бир марта, давлат аҳамиятига эга шаҳарларда кўпи билан икки йилда бир марта ўтказилади. Шундай қилиб, кадастр баҳолаш босқичларини ажратиш мумкин – умумий ҳолатда бу 3 йилдан 5 йилгача бўлган вақт оралиғидир.

Қийматга асосланган солиққа тортиш тизимларида солиқ базасини даврий қайта баҳолаш мажбурий деган хulosага келиш имконини беради. АҚШ ва Канаданинг аксарият минтақаларида қайта баҳолаш ҳар 4 йилда, баъзан тез–тез амалга оширилади. Дания, Нидерландия ва Швецияга ҳам худди шундай бўлади [15].

Бошқа Европа мамлакатларида ҳам мол-мулк солиқларининг базаси бозор қиймати ҳисобланади, аммо барча мамлакатларда ҳам қайта баҳолаш мунтазам амалга оширилмайди. Охирги қайта баҳолаш Германия ва Францияда 20–30 йил олдин амалга оширилган. Буюк Британияда тижорат кўчмас мулки ҳар беш йилда қайта баҳоланади, аммо уй–жой фондининг охирги қайта баҳоланиши 10 йил олдин ўтказилган. Қуидада солиқ базасини қайта баҳолашнинг вақтинчалик давларига мисоллар келтирилган:

- Австрия – 20 йил (ёки қайта баҳолаш заруриятига олиб келадиган ўзгаришлар юзага келганда);
- Белгия – 10 йил;
- Дания – 1998 йилдан бошлаб қайта баҳолаш ҳар йили ўтказилади (1998 йилгача баҳолаш ҳар 4 йилда бир марта ўтказилган);
- Финляндия – 5 йил (бунда қийматга тузатиш киритиш ҳар йили амалга оширилади);
- Германия – қийматни индексация қилиш тизими қўлланилади;
- Италия – 10 йил (шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари учун);
- Испания – 8 йил (ёки маҳаллий ҳокимият ташаббуси билан);
- Швеция – 6 йил (бунда қийматни тузатиш кўчмас мулк бозорининг ривожланишига мувофиқ амалга оширилади).

Кадастр баҳолаш босқичида икки турдаги босқичларни ажратиш мумкин: бу кўп сонли кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини бир вақтнинг ўзида аниқлаш бўйича ишларни бажариш босқичи («Оммавий баҳолаш» босқичи) ва бажариш жараёнида кадастр қиймати ҳам аниқланиши ёки ўзгариши мумкин бўлган бошқа босқичлар. Булар кадастр қийматини аниқлаш ишларини кузатиб бориш («Ишларни кузатиб бориш» босқичи); кадастр қиймати бўйича низолашиш («Кадастр қиймати бўйича низолашиш» босқичи); кўчмас мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотларни кадастр агентлигига киритиш (ўзгартиришлар киритиш) асосида кадастр қийматини аниқлаш («Кадастр маълумотларини киритиш» босқичи).

«Оммавий баҳолаш» босқичи бир йилгача давом этиши мумкин. «Ишларни кузатиб бориш» босқичи – ишларни бажариш бўйича Давлат шартномалари шартларига мувофиқ 5 йилдан 8 йилгача давом этиши мумкин. «Кадастр қиймати бўйича низолашиш» босқичи мажбурий босқич ҳисобланмайди, аммо кадастр қиймати бўйича низолашиш амалиёти фаол ривожланиши мумкин. Унда кадастр қиймати бўйича судга қадар ва судда низолашиш босқичлари ажратилади. Судгача

низолашиш босқичи қўчмас мулк давлат кадастрига маълумотлар киритилган кундан бошлаб 5 йил давом этади, судгача низолашиш босқичи муддатсиздир. «Кадастр маълумотларини киритиш» босқичи муддатсиз ва узлуксиз.

Кадастр баҳолашнинг бутун босқичи давомида кадастр баҳолаш маълумотлари фонди юритилади. Расмдаги стрелкалар «Оммавий баҳолаш» босқичида ҳам, «Кадастр қиймати бўйича баҳсолашиш» босқичида ҳам амалга ошириладиган ахборот алмашинувини кўрсатади. Кадастр баҳолаш ишларини бажарувчилар ушбу фонддан кадастр баҳолашнинг олдинги босқичлари материалларини оладилар. «Оммавий баҳолаш» босқичини бажариш жараёнида унга кадастр баҳолашнинг дастлабки натижалари, кадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисобот лойиҳасига эътиrozлар, ишларнинг якуний натижалари жойлаштирилади. «Кадастр қиймати бўйича низолашиш» босқичини бажариш жараёнида қўчмас мулк обьектларининг кадастр қиймати қайта қўриб чиқилишига асос бўлган бозор қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар давлат кадастр баҳолаш маълумотлари фондига киритилади.

«Оммавий баҳолаш» босқичи ҳозирда «кадастр баҳолаш» тушунчасига мос келади ва қуидаги босқичлардан иборат:

1. Давлат кадастрини баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
2. Давлат кадастридан баҳоланиши лозим бўлган қўчмас мулк обьектлари рўйхатини шакллантириш;
3. Кадастр қийматини аниқлаш бўйича ишлар бажарувчисини (кейинги ўринларда ишлар бажарувчиси деб аталади) танлаш ва у билан баҳолаш учун шартнома тузиш;
4. Кадастр қийматини аниқлаш ва кадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;
5. Кадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисоботни экспертизадан ўтказиш;
6. Кадастр қийматини аниқлаш натижаларини тасдиқлаш;
7. Кадастр қийматини аниқлаш натижаларини қўчмас мулк давлат кадастрига киритиш.

Биринчи, учинчи ва олтинчи босқичлар учун ишлар буюртмачиси – маҳаллий ҳокимият ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи жавоб беради. У давлат кадастр баҳосини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласи, ишлар бажарувчисини танлашни ташкил этади, натижаларни тасдиқлайди.

Кўчмас мулк обьектлари рўйхатини шакллантириш ва кадастр қийматини аниқлаш натижаларини қўчмас мулк давлат кадастрига киритиш билан Кўчмас мулк обьектларига бўлган хукуқларнинг давлат реестри (кейинги ўринларда Давреестр деб аталади) шуғулланади. Биринчи ва иккинчи босқичлар ўртасидаги стрелкалар шуни кўрсатадики, ишларни бажариш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг Ишлар буюртмачиси баҳолаш обьектлари рўйхатини олиш учун Давреестрга мурожаат қиласи, олинганидан сўнг уни учинчи босқичга топширади, Ишларни бажарувчини танлаш учун уни танлов ҳужжатлари таркибига киритади.

Ишларни бажарувчи (Баҳоловчи) кадастр қийматини аниқлайди ва ҳисобот тузади. Ўзини тартибга солувчи баҳоловчилар ташкилотининг ижобий эксперт

хulosаси билан қадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисобот унинг ишининг натижасидир. Тўртинчи ва бешинчи босқичлар орасидаги стрелкалар Ишлар бажарувчиси томонидан қадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисоботнинг экспертизадан ўтказиш учун баҳоловчиларнинг ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотига юборилганлигини ва Ишлар бажарувчиси томонидан ижобий эксперт хulosаси олингандигини кўрсатади.

Сўнгра тўртинчи босқичдан олтинчи босқичга ўтилади, Иш бажарувчи иш натижаларини Ишлар буюртмачисига ҳисобот беради. Ишларнинг буюртмачиси Кадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисоботни еттинчи босқичга, қадастр қийматини аниқлаш натижаларини кўчмас мулк давлат қадастрига киритиш учун Давреестрга топширади.

Шу босқичда «Оммавий баҳолаш» якунланади ва «Ишларни кузатиб бориш», «Кадастр қийматини баҳслаш», «Давлат қадастр ёзувига маълумотларни киритиши» босқичлари бошланиши мумкин, бу жараёнларда кўчмас мулк объектларининг қадастр қиймати ўзгариши эҳтимоли мавжуд.

Ҳар бир босқични ўзининг тузилиши, таъминоти, иштирокчилар таркиби билан тавсифланувчи алоҳида жараён сифатида кўриб чиқиши мумкин. Қатор босқичларни бажаришнинг вақт доиралари қонун билан белгилаб қўйилиши шарт.

Давлат қадастридан баҳоланиши лозим бўлган кўчмас мулк объектлари рўйхатини шакллантириш муддатлари қонунчиликда белгиланмаган. Қадастр қийматини аниқлаш бўйича ишлар бажарувчисини танлаш ва у билан баҳолаш ўтказиш учун шартнома тузиш, қоида тариқасида, 1 – 1,5 ой мобайнида амалга оширилиши мумкин. Бу вақтда танлов бўйича танлаш ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, танлов якунлари сарҳисоб қилингандан сўнг 10 кун ичида ғолиб билан шартнома тузилиши керак.

«Кадастр қийматини аниқлаш ва қадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш» босқичи 6 ойгача давом этиши мумкин, чунки қадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисобот қадастр баҳосини ўтказиш учун шартнома тузилган санадан эътиборан 6 ойдан кечиктирмай тузилиши керак. Ушбу муддат таркибига 20 иш куни киради, улар мобайнида ҳисобот лойиҳаси манфаатдор шахсларнинг кенг доираси у билан танишиши ва унга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш имкониятини таъминлаш учун давлат қадастрини баҳолаш маълумотлари фондига жойлаштирилади.

Кадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисоботни экспертизадан ўтказиш 30 иш куни мобайнида, қадастр қийматини аниқлаш натижаларини тасдиқлаш 20 иш куни мобайнида амалга оширилади.

«Кадастр баҳоси» босқичининг вақт таркиби жадвалда келтирилган (1–жадвал). «Оммавий баҳолаш» босқичининг вақтинчалик тузилмаси таҳлили унинг бир йилгача давом этиши мумкин деган хulosага келиш имконини беради. Қатор босқичлар ўртасидаги ўтишга ҳам вақт сарфланиши аник.

1–жадвал

### «Оммавий баҳолаш» этапи босқичларининг вақт таркиби<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган

Босқич	Этап номи	Этапнинг давомийлиги
1	Баҳолаш обьектлари рўйхатини тузиш	1-1,5 ой
2	Пудратчини танлаш	1-1,5 ой
3	Ишларни бажариш учун шартнома тузиш	10 кун
4	Кадастр қийматини аниқлаш, шу жумладан:	шартнома тузилган кундан бошлаб 7 ойдан кечиктирмай
	Кадастр қийматини белгилаш лойиҳасини тайёрлаш	2-3 ой
	Ҳисобот лойиҳасини КА (Кадастр агентлиги) маълумотлар фондига жойлаштириш	20 кун
	КА ўлчов маълумотлар фондининг изоҳларини инобатта олган ҳолда ҳисббот тайёрлаш	1-1,5 ой
5	Ҳисбботни ўрганиш	30 иш куни
6	Натижаларни тасдиқлаш	20 иш куни
7	Кадастр агентлигига натижаларни киритиш	10-15 иш куни

Кадастр баҳолаш натижаларини ўз вақтида тасдиқлаш ва кадастр қийматини кўчмас мулк давлат кадастрига киритишига эмас, балки солиқ базаси сифатида кадастр қийматининг ўзгаришини таҳдил қилиш, олинган кадастр қийматини солиқка тортишда қўллаш оқибатларини баҳолаш ҳам муҳимdir.

Шу сабабли қуйидаги ўзгартиришларни киритиш таклиф этилади:

- «Оммавий баҳолаш» босқичи таркибига «Солиқ солища кадастр қийматини қўллашнинг эҳтимолий ижтимоий-иктисодий оқибатларини таҳдил қилиш» босқичи киритиш;
- «оммавий баҳолаш» босқичи давомийлигини янги босқич давомийлигига узайтириш.

Кадастр қиймати Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан давлат кадастрини баҳолаш функцияларини амалга оширувчи давлат ижро этувчи ҳокимият органи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузиридаги Кадастр агентлиги томонидан белгиланади.

Кўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг вақтинчалик тузилмасини таҳдил қилиш натижасида муаллиф томонидан қуйидаги холосаларга келинди:

- Кадастр баҳолаш – бу қонунчиликда белгиланган фазалар, босқичлар ва жараёнлардан иборат бўлган узлуксиз фаолиятдир. Ҳар бир босқичда муайян жараён амалга оширилади ва қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат хизматлари, баҳоловчиларнинг ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлари, баҳоловчилар, судлар ва низоларни судгача ҳал қилиш комиссиялари, шунингдек, баҳоланадиган обьектларнинг мулқдорлари (ижарачилари) бўлган солиқ тўловчилар иштирок этадиган мураккаб институционал ўзаро алоқалар юз беради.

– «Ишларни кузатиб бориш», «Кадастр агентлигига маълумотларни киритиши» ва «Кадастр қиймати бўйича низолашиш» босқичларида кадастр қиймати ўзгаради. «Ишларни кузатиб бориш» босқичида кадастр қийматининг ўзгариши кадастр ёки техник хатоларни бартараф этиш натижасида содир бўлади. Баҳолаш обьектининг кадастр қийматини кадастрни баҳолаш бўйича ишларни кузатиб бориш бўйича кафолат мажбуриятлари тартибида қайта ҳисоблаш ишларни бажарувчи томонидан кадастрни ҳисобга олиш органи, кадастрни баҳолаш буюртмачиси, суд қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

– Кадастр қиймати бўйича судга қадар ва судда низолашиш босқичларида, одатда, кадастр қиймати бозор қиймати миқдорида белгиланиши оқибатида ёки кадастр қиймати бўйича судга қадар низолашиш комиссияларида, ёки судларда кадастр қийматининг пасайиши содир бўлади.

– Ҳар бир вақт оралиғида бажариладиган ишларнинг таркиби ва тузилиши нафақат иш бажарувчиларнинг юкори малакаси ва масъулиятини, балки уларни бажариладиган фазалар, босқичлар ва жараёнларга доимий жалб этишни талаб қиласди.

– Кадастр баҳолашнинг давлат аҳамияти, унинг узоқ муддатлилиги, доимийлиги ва узлуксизлиги мазкур фаолиятни давлат томонидан тартибга солишини, давлат кадастр баҳолашининг ишончлилиги, барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлайдиган давлат институтларининг мавжудлигини назарда тутади.

Фаолиятнинг мантиқий тузилиши фаолият субъекти, обьекти, предмети уни ташкил этиш шакллари, воситалари ва усуllibарини ўз ичига олади (2-жадвал). Кадастр баҳолаш предмети – кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини аниқлаш, фаолият натижаси – кўчмас мулк обьектларининг кадастр қиймати.

2-жадвал.

**Кўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг мантиқий тузилмаси<sup>2</sup>**

Таркибий қисмлар	Мавжуд хусусиятлар	Муаллифлик таклифлари
Субъект	Баҳоловчи иқтисодий шахс ҳисобланади	Ўзбекистон Республикасининг давлат ёки хусусий корхонаси
Объект	Кадастр агентлигига рўйхатга олинган ҳар қандай обьектлар тўплами	Кадастр агентлиги билан тасдиқланган, қонунчиликка асосланган рўйхатта олинган обьектлар
Предмет	Кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини аниқлаш	Кўчмас мулк обьектларини тўлиқ шаффоффлик асосида баҳолаш
Фаолиятни ташкил этиш тартиби	1. Институционал ва қонунчилик жиҳатидан ўзини ўзи тартибга солиш 2. Давлат томонидан бошқариш	1. Жамоавий – кадастр тизимида баҳолаш жараёнини такомиллаштириш. 2. Давлат кадастр органлари томонидан мониторинг ўтказиш. 3. Қонунчилик асосида баҳолаш усуllibарини жорий этиш. 4. Давлат экспертизаси.
Интеграцияни таъминлаш (бошқарув)	Кадастр агентлиги билан боғлиқ тизимли маълумотлар тўпламини таъминлаш	Кадастр рўйхатининг рақамлаштирилган (электрон) шаклини жорий этиш
Фаолият жараёнини ташкил этиш	Баҳоловчи мустақил институтлар томонидан баҳолаш экспертизасини ўтказиш	Кадастр агентлигида маълумотларни тўлиқ шаффоффигини таъминлаш
Махсус шакллар	Кўчмас мулк обьектлари маълумотлари, хужжатлар, мақсадли жадваллар, кадастр паспортлари	Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланган янги форматдаги кадастр хужжатлари
Воситалар	Кадастр агентлиги, баҳоловчи марказлар, ахборот тизимлари, мониторинг ва тадқиқотлар	Масофавий дастурний комплекслар
Усуllibар	Кадастр қийматини ҳисоблаш ва турли баҳолаш	Солиқقا тортиш қийматини аниқлаш усуllibарি

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган

Таркибий қисмлар	Мавжуд хусусиятлар	Муаллифлик таклифлари
	ёндашувлари	
Фаолият натижаси	Кадастр агентлиги тасдиқлаган баҳолаш маълумотлари бўйича умумий таркибий қисмларни аниқлаш бўйича ҳисобот	Солиқقا тортиш қиймати аниқланган расмий кадастр хужжатлари

Фаолиятнинг мантиқий тузилмаси қўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг фазалари, босқичлари ва этаплари тавсифида батафсил баён этилган. Унинг умумлашмасини көлтирамиз.

«Оммавий баҳолаш» босқичида кадастр агентлигида рўйхатта олинган қўчмас мулк обьектлари, ер тоифалари бўйича ер участкалари, шунингдек бинолар, иншоотлар, қурилмалар ва қурилиши тутгалланмаган обьектлар баҳолаш обьектлари ҳисобланади. Оммавий баҳолашни ўтказиш учун қўчмас мулк обьектларининг рўйхати тузилади. Бироқ, кадастр ҳисоби жараёни узлуксиз бўлганлиги сабабли, кадастр қийматини аниқлаш зарур бўлган янги обьектлар пайдо бўлади. Шу боис, кадастр баҳолаш натижасида кадастр қиймати нафақат мавжуд обьектларга, балки кварталлар, аҳоли пунктлари, худудлар ҳам белгиланади. Бу эса кейинчалик янги ташкил этилган қўчмас мулк обьектларига кадастр қийматини белгилаш имконини беради. Ҳисобот баҳолаш обьектларининг майдони бўйича ўртacha арифметик тортилган қийматларни ҳисоблаш жараёнининг тавсифини ва ҳисоблаш натижаларини ўз ичига олиши керак. Бунда ер участкалари учун рухсат этилган фойдаланиш турлари гурухлари бўйича, бошқа баҳолаш обьектлари (бино, хона) учун эса тур ва вазифаси бўйича кадастр кварталлар, аҳоли пунктлари, туманлар ва шаҳарлар, Ўзбекистон Республикаси худудлари кесимида кадастр қийматининг солиштирма кўрсаткичлари қийматлари ҳисобланиши лозим.

«Оммавий баҳолаш» босқичида фаолиятнинг жамоавий шакллари устунлик қиласи. Расмий нуқтаи назардан, амалдаги қонунчиликка қўра, кадастр қийматини аниқлаш ишларини якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам бажариши мумкин, кадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисобот эса битта баҳоловчи томонидан тайёрланиши мумкин. Амалдаги қонун хужжатлари жисмоний шахс, баҳоловчи баҳолаш фаолиятининг субъекти ҳисобланишини белгилайди. Бироқ кадастр баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш, фаолиятнинг вақтинчалик тузилиши нафақат баҳоловчилар, балки ҳуқуқшунослар, дастурчилар, ахборотни қайта ишлаш бўйича мутахассислар, муҳандислар ва техник мутахассисларнинг ҳам жамоавий касбий ишлаши зарурлигини кўрсатади.

Кадастр баҳолаш ишлари таркибида бажариладиган аниқ қўчмас мулк обьектларининг бозор қийматини баҳолашда фаолиятнинг якка тартибдаги шакли бўлиши мумкин. Фаолиятни ташкил этишнинг ўзига хос шаклларига баҳоловчиларнинг жамоавий касбий фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида ўзини ўзи тартибга солувчи баҳоловчи ташкилотларни киритиш мумкин.

Амалиётда ишлар бажарувчисини танлаш натижасида ғолиб компания аниқланади, у билан ишларни бажариш учун давлат шартнома тузилади. Баҳолаш фаолиятининг ёндашувлари ва усуллари, айниқса оммавий баҳолаш усуллари фаолият усуллари ҳисобланади. Бажариладиган ишлар ҳажмига фаолият воситалари ҳам мос келиши керак, шунинг учун ишларни бажариш учун маҳсус дастурий таъминотдан фойдаланиш таклиф этилади. Фаолият натижаси – бу олинган кадастр қийматини кўчмас мулк давлат кадастрига юклаш учун шакллантирилган материалларни ва кўчмас мулкни кадастр баҳолаш маълумотлари фондига ўтказиш учун маълумотларни ўз ичига олган кадастр қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисбототдир. Щуни алоҳида таъкидлаб ўтамизки, ҳисбот экспертизаси – бу фаолиятнинг индивидуал шакли. Уни баҳоловчиларнинг ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилоти эксперти ўтказади.

«Ишларни кузатиб бориши» босқичида кадастр хатоларини аниқлаш натижасида кадастр қийматини қайта ҳисоблаш мумкин. Фаолият субъекти – кадастр қийматини аниқлаш бўйича ишларни бажарувчи; фаолият обьекти – кадастр қиймати қайта ҳисобланадиган муайян кўчмас мулк обьекти. Фаолият предмети–кадастр ҳисоб–китоб органининг, кадастр баҳолаш буюртмачисининг ёки суднинг қарори асосида кадастр қийматини қайта ҳисоблашдан иборат.

Кадастр қиймати бўйича низолашиш босқичида баҳолаш обьектининг бозор қийматини аниқлаш тўғрисидаги ҳисботни тақдим этиш зарур. Одатда, ҳисбот кадастр баҳосини ўтказища иштирок этмаган бошқа баҳоловчи томонидан тузилади. Судгача низолашиш босқичида комиссия ҳисботда келтирилган бозор қийматини кадастр қиймати сифатида тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин. Бироқ судда низолашиш босқичида суд мустақил экспертни жалб қилиши мумкин, унинг хуносаси асосида кадастр қиймати белгиланиши мумкин.

Давлат кадастр ҳисобини юритиши жараёнида «КА – кадастр агентлигига маълумотларни киритиш» босқичида кўчмас мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотлар ўзgartирилиши мумкин. Агар ўзгаришлар кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматига таъсир қиласа, давлат бюджети муассасаси ходимлари тасдиқданган регламентлар асосида кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини ҳисоб–китоб қилади.

**Хуроса ва таклифлар.** Кўчмас мулкни кадастр баҳолаш тизими жаҳон тажрибасида ва Ўзбекистонда муҳим иқтисодий-хуқуқий жараёнлардан бири ҳисобланади. Ушбу тадқиқот натижаларига асосланиб, кадастр баҳолаш жараёнининг вақтинчалик ва мантиқий тузилиши таҳлил қилинди ҳамда қуйидаги хуросаларга келинди:

1. Кадастр баҳолаш қонунчиликда белгиланган фазалар, босқичлар ва жараёнлардан иборат бўлган тизимили фаолиятдир. Унда давлат ҳокимият органлари, баҳоловчилар, кадастр агентлиги, маҳаллий ҳокимият, судлар ва мулқдорлар иштирок этади.

2. Кадастр баҳолаш давлат аҳамиятига эга шаҳарларда 2 йилда бир марта, бошқа худудларда эса 3-5 йилда бир марта амалга оширилиши керак. Баъзи Европа давлатларида (Австрия, Германия, Франция) кадастр баҳолаш 10-30 йил оралиғида амалга оширилади, бу эса бозор конъюнктурасини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин.

3. Оммавий баҳолаш қадастр баҳолашнинг асосий механизми бўлиб, у қадастр агентлиги рўйхатга олган барча кўчмас мулк обьектларини қамраб олади. Ҳисобот натижалари қадастр агентлиги базасига киритилиб, солиққа тортиш ва бошқа мулкий муносабатлар учун асос бўлиб хизмат қиласди.

4. Хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, қадастр баҳолашда Big Data, Machine Learning, GIS (Геоахборот тизимлари) ва Artificial Intelligence (AI)дан фойдаланиш маълумотларнинг аниқлигини ошириш ҳамда баҳолаш жараёнини тезлаштириш имконини беради.

5. Судгача ва суд орқали қадастр баҳосини қайта кўриб чиқиш жараёнлари мураккаб институционал муносабатларни талаб қиласди. Германия, Франция ва Буюк Британия тажрибаларида қадастр баҳолаш натижалари камдан-кам ҳолатларда судгача етказилади, чунки уларда баҳолаш жараёни шаффоф ва аниқ механизмлар асосида ишлайди.

Юқоридаги хуносалар асосида қўйидагиларни таклиф этамиз:

- Ўзбекистонда қадастр баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилиши керак.

- қадастр баҳолаш натижаларини суд орқали қайта кўриб чиқиш механизмларини янада аниқлаштириш зарур.

- ҳозирги қадастр баҳолаш даврийлигини қисқартириш ва Европа давлатлари тажрибасига кўра З йилда бир марта мажбурий баҳолаш тизимини жорий этиш лозим.

- баҳолаш жараёнида GIS ва автоматлаштирилган баҳолаш моделлари (AVM)дан фойдаланиш кўчмас мулк бозори конъюнктурасига асосланган маълумотларни тўплаш имконини беради.

- давлат қадастр агентлигига ягона блокчейн-технологиялар асосида ишловчи маълумотлар базаси яратилиши керак.

- электрон қадастр картаси ва қадастр маълумотлари онлайн платформалар орқали аҳоли ва тадбиркорлар учун очиқ бўлиши лозим.

- солиққа тортишда бозор баҳоларини инобатта олган ҳолда қадастр қийматини реал вақтда янгилаб бориш механизми ишлаб чиқилиши керак.

- оммавий баҳолаш натижалари солиқ ставкаларига бевосита таъсир этувчи асосий манба сифатида хизмат қилиши зарур.

- баҳоловчиларнинг малакасини ошириш учун халқаро тренинглар ва сертификатлаш тизимини жорий қилиш зарур.

- ҳар бир қадастр баҳолаш натижалари мустақил экспертиза орқали қайта текширилиши керак.

Қадастр баҳолаш тизимини ривожлантириш учун Ўзбекистондаги амалий тажрибалар халқаро стандартлар ва замонавий баҳолаш усуслари билан уйғунлаштирилиши керак. Институционал механизмларнинг мустаҳкамланиши, қадастр маълумотларининг рақамлаштирилиши ва баҳолаш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш қадастр баҳолаш тизимини самарали ва шаффоф қилишга хизмат қиласди.

Ушбу таклифларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда қадастр баҳолаш тизимини глобал талабларга мослаштириш ва қадастр қийматига асосланган солиқ

тизимини барқарорлаштириш мумкин бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. North, D. C. (1990). Institutions, Institutional Change and Economic Performance. Cambridge University Press.
2. Barro, R. J. (1991). Economic Growth in a Cross Section of Countries. The Quarterly Journal of Economics, 106(2), 407-443.
3. Eckert, J. A. (2008). Property Taxation and Mass Appraisal Valuation Systems. Lincoln Institute of Land Policy.
4. Pongs, G. (2012). Market-Based Valuation Approaches in Cadastral Assessment. Real Estate Economics Journal, 40(3), 221-245.
5. Lorenz, G. (2011). Mass Appraisal Systems and Real Estate Valuation: The Role of AVMs in Cadastral Assessment. Journal of Property Tax Assessment & Administration, 8(4), 110-125.
6. Davis, G. (2005). Property Taxation and Valuation Systems: International Perspectives. Springer.
7. Young, M. (2016). Legal Frameworks for Cadastral Valuation: Property Taxation and Market Value Assessments. Journal of Land Use Policy, 33(1), 56-73.
8. Elliot, R. (2017). Dispute Resolution in Cadastral Valuation: Judicial and Pre-Judicial Mechanisms. International Journal of Property Law, 45(2), 89-104.
9. Barnes, D. (2019). Geospatial Technologies in Cadastral Valuation: Applications of GIS and Big Data. Journal of Real Estate Technology, 7(3), 98-116.
10. Wilson, P. (2020). Machine Learning and Predictive Analytics for Automated Cadastral Valuation. Journal of Property Valuation, 12(1), 32-47.
11. Robinson, K. (2018). Digital Transformation in Cadastral Management: Data Integration and Automation. Land Use Policy, 41(4), 79-96.
12. To'lakov, U. (2024). Ko'chmas mulkni soliqqa tortishda qiymatni baholash usullari. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(12), 389-399.
13. Tulakov, U. (2025). Ways to Improve The Methodological Foundations of Mass Appraisal for Real Estate Taxation. Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance, 6(1), 135-145.
14. To'lakov, U. (2025). Soliq ma'muriyatçiligini takomillashtirishda innovatsion yondashuvlar. Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari, 5(1), 91-105
15. Безруков, В. Б. Налогообложение и кадастровая оценка недвижимости: монография. – Н. Новгород: ННГАСУ, 2011. – 153 с.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

